

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2019 йил апрель ойининг 24 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят Тошлоқ туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья А.А.Хабибуллаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ҳ.Омоновнинг котиблигида, Тошлоқ туман прокурорининг ўринбосари Ш.Мирзалиев, гумон қилинувчи М.Н.Мирзакаримов, жабрланувчи Н.О.Ғофуровнинг иштирокида,

Мирзакаримов Музаффар Неъматжонович (Mirzakarimov Muzaffar Ne'matjonovich), 04.03.1989 йилда Фарғона вилояти, Охунбобоев (Қўштепа) туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали, бир нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, Ёзёвон тумани, Қоратол м.ф.й., А.Яссавий кўчаси, 88-хонадонда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1517-1901/35-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, 2019 йил 31 март куни соат 11-30лар чамасида Тошлоқ тумани Заркент м.ф.й. А.Навоий кўчаси худудидан ўтган “Марғилон-Қува” автомобиль йўлининг 13 км. Марғилон томондан Қува томонга бошқариб кетаётиб, амалдаги Йўл ҳаракати Қоидаларининг IX бўлим, 53 бандида “Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат катнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак” -деган бандларини талабларини қўпол равишда бузиб, ўзига қарама-қарши томондан келаётган “Скутер” русумли мотоцикл транспорт воситасига йўл бермасдан йўлнинг ўнг томонидан чап томонига бурилиб юбоиб, “Скутер” русумли мотоцикл транспорт воситаси билан тўқнашув содир этган. Натижада “Скутер” русумли мотоциклтранспорт воситаси бошқарувчиси Н.Ғофуров тан жароҳати олиб, даволаниш учун шифохонага ётқизилган.

Судга оид экспертизасининг 06.04.2019 йилдаги 1147-сонли хулосасига кўра фуқаро Н.Ғофуровда танани қўш шикасти, бош мия чайқалиши, бош тепа соҳасини лат еган яраси, чап болдир суякларини ўрта пастки қисмидан ёпиқ силжиб синиши, чап тирсак бўғимини шилинмаси аниқланиб, бу тан жароҳатлар “оғир” шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Дастлабки терговда гумонланувчи М.Н.Мирзакаримов ва жабрланувчи Н.О.Ғофуров ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Тошлоқ тумани туман ИИБ ТБ суриштирувчисининг 2019 йил 24 апрелдаги қарорига кўра, гумонланувчи М.Н.Мирзакаримовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи М.Н.Мирзакаримов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Н.О.Ғофуров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризани қувватлаб, М.Н.Мирзакаримовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда соғлиғи яхши эканлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушинганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тагатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд мажлисида жабрланувчи Н.О.Ғофуров, гумон қилинувчи М.Н.Мирзакаримовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Тошлоқ туман прокурорининг Ўринбосари Ш.Мирзалиевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи М.Н.Мирзакаримовнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи, гумон қилинувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи, жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Мирзакаримов Музаффар Неъматжонович Ўзбекистон Республикасининг ЖК 266-моддаси 1-қисми билан ЖК 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Мирзакаримов Музаффар Неъматжоновичга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айб依лик масаласи ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи Н.О.Ғофуровга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушинтирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил ҳисобланган бир дона CD-R диск иш материали билан бирга асраб қўйилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья

А.А.Хабибуллаев